

**Eshpulatova Zaynab Baratovna,
Samarkand Institute of Economics and Service
"Accounting" department associate professor v.b
Usmanov Shakhzod Shokhrukhovich
Samarkand Institute of Economics and Service
BH-222 group student**

**IMPROVING ACCOUNTING OF INCOME FROM FINANCIAL
ACTIVITIES BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS**

Abstract. Introduction of International Financial Reporting Standards (IFRS) in our country is one of the important issues on the agenda. One of the most important tasks today is the application of the international practice in the accounting system in the recognition of income and expenses, which are the main indicators of financial accounting. This article describes the system of improvement and calculation of income from financial activities based on international standards. Methodological coordination of this process in our country is one of the urgent issues. This article examines the issues reflected in the profit and loss statement, that is, the definition, composition of income, their recognition, evaluation and accounting.

Key words: Income, profit, other comprehensive income, expense, reserve, reclassification, correction, international standards of financial reporting, royalty, dividend, rent, interest, income from financial activities.

**Эшпулатова Зайнаб Баратовна,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доцент в.б
Усманов Шахзод Шохрухович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
БҲ-222 гуруҳ талабаси**

МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мамлакатимизда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)ни жорий қилиш кун тартибидаги муҳим масалаларидан ҳисобланади. Молиявий ҳисобининг асосий кўрсаткичлари бўлган даромад ва харажатларни тан олишда халқаро амалиётни ҳисоб-китоб тизимида қўллаш, бугунги кунда муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақола молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва ҳисоб-китоб тизимини очиқ беради. Мамлакатимизда ушбу жараённи услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш долзарб масалалардан бири бўлади. Ушбу мақолада фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган, яъни даромадларнинг таърифи, таркиби, уларнинг тан олиниши, баҳоланиши ва ҳисобларда акс эттирилиши масалаларини тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Даромад, фойда, бошқа умумлашган даромад, харажат, резерв, реклассификация, коррективировка, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, роялти дивидент, ижара, фоизлар, молиявий фаолиятга доир даромадлар.

Янги Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш бўйича жадал ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори [1] ҳисобланади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) халқаро профессионал ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар мажмуасидан иборат. Уларни ўрганиш ва жорий қилиш ҳар бир стандартни чуқур таҳлил

қилишни ва уларнинг қўлланилиши бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шу боис, ушбу стандарт талабларига мувофиқ ҳисоб-китобларни ташкил этиш, молиявий ҳисоботларда даромадлар ва фойда тўғрисида шаффоф ахборотларни акс эттириш, халқаро инвесторларга уларга тушунарли бўлган воситаларда, яъни энг синалган ва самарали усул ҳамда услублар, тан олиш ва баҳолаш мезонлари, халқаро қоида ва принциплардан фойдаланган ҳолда компаниянинг даромадлари, фойдаси ва унинг тақсимооти ҳамда фойдадаги улуши тўғрисидаги ишончли, уйғун ва таққосланувчи молиявий ахборотларни тақдим этиш методологиясини жорий этиш барча мамлакатлар, айниқса МҲХСларни биринчи марта қўллаётган мамлакатлар учун ўта долзарб масаладир.

Мамлакатимизда даромадлар ва фойда ҳисобини МҲХСларга мувофиқлаштириш борасида муайян натижаларга эришилди. Жумладан, 2-сон БҲМС “Асосий фаолиятдан олинган даромадлар” стандарти ҳамда “Харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни аниқлаш тартиби” тўғрисидаги Низомларга мувофиқ даромадларни ҳамда молиявий натижаларнинг халқаро мезонларга мувофиқ келадиган тартиби ишлаб чиқилди, 2021 йилдан эътиборан акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, давлат улуши бўлган корхоналар ва ихтиёрийлик асосида бошқа корхоналарга МҲХСлар асосида молиявий ҳисобот тузиш, уларни халқаро аудитдан ўтказиш ва нашр этириш тартиблари амалиётга жорий этилди. Бироқ ушбу эришилган ютуқлар республикамизда МҲХСларига тўлиқ ўтиш ҳал этилганлигини билдирмайди. Шу билан бир қаторда, таъкидлаш жоизки, стратегик вазифалардан келиб чиқиб, халқаро инвесторлар талабларига уйғун бўлган даромадлар ва фойда ҳисобини такомиллаштириш борасида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд. Булар қаторига даромадларга оид МҲХСларини тан олиш ва уни кенг жорий этиш, эски усул ва услублардан воз кечиб даромадларга оид

замонавий атамаларни қўллаш, даромадларни тан олиш босқичларини ишлаб чиқиш, баҳолаш ҳамда ҳисоботда акс эттиришда энг илғор усулларни қўллаш, хорижий инвесторларга оид бўлган тақсимланган фойдани тан олиш ҳамда ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни мазмун ва таркибий жиҳатдан қайта ишлаб чиқиш, бошқа тўплам даромадларни тан олиш ва акс эттириш, даромадлар ва фойдага оид бухгалтерия ҳисоби счётларни мазмун ва моҳияти жиҳатидан такомиллаштириш, якуний молиявий натижаларнинг шаклланишини ва бухгалтерия ёзувларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ҳисоботнинг шаффофлиги ва таққосланувчанлигига эришиш, ҳисобот трансформацияси ва консолидацияси ҳамда комплияцияси масалаларидир. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб хорижий инвесторлар ва бошқа ахборот фойдаланувчиларига талабларига мос ҳолда даромадлар ва фойда ҳисоби методологиясини ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тубдан такомиллаштириш юзасидан илмий изланишларни олиб боришни тақозо этади.

Амалдаги стандарт талабларида мамлакатимизда молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қуйидагилар киради:

Мамлакатимизда амалда бўлган 21-БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси” молиявий фаолитга доир даромадлар¹

9510	Роялти кўринишдаги даромадлар
9520	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар
9530	Фоиз кўринишидаги даромадлар
9540	Валюта курслари фарқидан даромадлар

¹ 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар»

9550	Молиявий ижарадан даромадлар
9560	Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар
9590	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари

“Молиявий фаолиятдан фойда – бу корхонани ташқи молиялаштириш манбаларидан таъминлаш билан боғлиқ пул оқимларининг натижасидир. Ташқи молиялаштириш манбалари ўз ичига олади:

- кўшимча акциядорлик ёки пай капиталини жалб қилиш;
- акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси;
- турли хил шаклларда кредитларни жалб қилиш;
- дивидендлар тўлаш йўли билан жалб қилинган капиталга хизмат кўрсатиш, фоизлар ва асосий қарз бўйича мажбуриятларни сўндириш”²

2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар” номли стандартда фоизлар, дивидендлар, роялтиларни корхоналарнинг одатдаги фаолиятидан олинган даромадлар таркибига киритади: “Ушбу стандартда даромад деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолияти давомида олинган, жумладан маҳсулот (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) реализациясидан олинган даромадлар, олинган фоизлар, дивидендлар, роялти ва бошқалар тушунилади.”³

“Молиявий фаолиятдан даромадлар қуйидаги турлардаги даромадларга бўлинади:

² Прибыль от финансовой деятельности. <https://1fin.ru/?id=281&t=711>

³ Национальный Стандарт Бухгалтерского учета Республики Узбекистан (НСБУ № 2) «Доходы от основной хозяйственной деятельности» <https://lex.uz/acts/710346>

-бошқа корхоналар фаолиятига ҳиссали қатнашишдан даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

-мулкни молиявий ижара (лизинг)га топширишдан олинган даромад;

-валюта счетлари, жумладан хорижий валюта операциялари бўйича ижобий курс фарқ;

-қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва бошқаларга киритилган маблағларни қайта баҳолашдан даромадлар;

-олинган роялти ва капитал трансферти;

-молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар.”⁴

Манбаларда Ж.Кажикова, И.Шелиховская томонидан молиявий фаолиятдан олинган даромадларга қуйидагилар киритилган:

“ташкilotнинг кредитлар, қарзлардан фойдалангани учун тўланиши лозим бўлган фоизлар (қонунчиликка мувофиқ инвестициявий активларнинг қийматига олиб бориладиган кредитлар, қарзлар бўйича фоизлардан ташқари);

акцияларни хариди бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар билан уларнинг номинал қиймати (сотиб олинган акцияларнинг бекор қилинганда) ёки кўрсатилган акцияларнинг учинчи шахсга реализация қиймати (сотиб олинган акцияларнинг давомий сотилишида);

мулкни молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича (агарда лизинг фаолияти жорий фаолият бўлиб ҳисобланмаса) вақтинчалик фойдаланиш (вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш)га олиш билан боғлиқ харажатлар;

⁴ Бухгалтерский учет финансовых результатов – доходы от финансовой деятельности.
http://buhuz.ru/?fin=doh_fin

ўзи чиқарган қарзли қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, муомалада бўлиши ва сўндирилиши билан боғлиқ даромад ва харажатлар (агар ташкилот қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлиб ҳисобланмаган ҳолларда);

қонунчиликда белгиланган ҳолатлардан ташқари хорижий валютада ифодаланган активлар ва мажбуриятларни қайта ҳисоблаш натижасида юзага келган курс фарқлари;

ҳисобот даврида аниқланган молиявий фаолият бўйича ўтган йиллар фойда (зарар)лари.”⁵

“Молиявий фаолият – бу корхонанинг ўз ва жалб қилинган капитали миқдори ва таркибининг ўзгаришига олиб келувчи фаолият.” – деб таъриф берилган.”⁶

Белоруссия Республикаси молия вазирлиги томонидан 2011 йил 30 сентябрда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар бухгалтерия ҳисоби Инструкциясида “молиявий фаолият атамаси ташкилотнинг ҳисоб сиёсатиға мувофиқ жорий фаолиятиға кирмаслиги шарти билан ташкилотнинг киритилган хусусий капитали, кредитлар, қарзлар ва шунга ўхшаш мажбуриятлари миқдори ва таркибини ўзгаришиға олиб келувчи фаолиятини англатади”⁷ деб таъриф келтирилган.

“Молиявий фаолиятдан даромад – бу корхонани ташқи молиялаштириш манбалари (қўшимча акциядорлик ёки пай капиталини жалб қилиш, акция, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси, унинг турли хил шаклларида кредитларни жалб қилиш, шунингдек жалб қилинган капитални дивидендлар, фоизлар тўлови ва асосий қарзларни

⁵ Старший преподаватель Кажикова Ж.Н., студент Шелиховская Ира. Костанайский государственный университет им. А. Байтурсынова. Доходы и расходы по финансовой деятельности <https://be5.biz/ekonomika1/r2014/2200.htm>

⁶ Т.Церевская. Учет доходов деятельности предприятия. //Налоги и бухгалтерский учет. Декабрь, 2019 /№99. <https://i.factor.ua/journals/nibu/2019/december/issue-99/article-105867.html>

⁷Юлия Гатальская. Финансовая деятельность организации: как правильно отразить хозяйственные операции в бухгалтерском учете. <https://www.gb.by/izdaniya/glavnyi-bukhgalter/finansovaya-deyatelnost-organizatsii-kak>

сўндириш орқали хизматини амалга ошириш билан таъминлаш билан боғлиқ пул оқимларининг натижасидир. Бунда таъкидлаш мумкинки, пул оқимларининг бундай мазмуни корхонанинг тўғридан-тўғри даромадларини шакллантирмайди, чунки деганда доим олинган пулга нисбатан кўпроқ пулни қайтаришга тўғри келади. Шу билан бир қаторда молиявий фаолият жараёнида хусусий капитал ҳам, қарз капитали ҳам корхона учун кўп ёки кам наф олиш шартларида олиниши мумкин, бу ўз навбатида мувофиқ равишда асосий инвестиция фаолияти натижаларида ўз аксини топади. Шу боис, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар деганда, ж бозордагига қараганда нафлироқ бўлган шартларда ташқи манбалардан жалб қилинган капиталнинг билвосита самараси тушунилади.”

Молиявий фаолиятга доир бухгалтерия ёзувлари акс эттирилган мақола⁸

Кўпчилик молиячилар ҳисоблайди, компаниянинг инвестицион фаолияти активларнинг ўзгариши билан боғлиқ, молиявий фаолият эса пассив қисмининг ўзгариши билан боғлиқ деб ҳисоблашишади.

Молиячилар инвестициявий фаолиятига қуйидагиларни киритишади:

- кучмас мулкларнинг реализацияси ва хариди;
- бошқа компанияларнинг қимматли қоғозларини сотиш ва харид қилиш;
- узок муддатли қарзларни тақдим этиш;
- қарзларнинг тўланишидан маблағларнинг келиб тушиши.

Молиявий фаолиятга:

- фирманинг узок муддатли мажбуриятлари ва хусусий капитали ўзгариши;

⁸ <https://www.gb.by/izdaniya/glavnyi-bukhgalter/finansovaya-deyatelnost-organizatsii-kak>

-хусусий акциялари сотиш ва харид қилиш;

-компаниялар облигацияларини чиқариш;

-дивидендлар тўлаш;

-компания томонидан ўзининг узоқ муддатли қарзларини тўлаш.

Ушбу ҳолатдан хулоса қилиш мумкинки, халқаро стандартлар ва миллий стандартларда молиявий фаолиятдан олинган даромадларни таркиби жиҳатдан жиддий фарқлар мавжуд.

Биринчидан, халқаро тажрибаларда “молиявий фаолиятдан олинган даромадлар” деб номланган тасниф йўқлигини кўриш мумкин. Халқаро тажрибаларда корхонанинг даромадлари одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар ҳамда одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадлар (бошқа даромадлар)га ажратилган. Халқаро стандартларга мувофиқ юқорида “тушумлар корхонанинг одатдаги фаолияти давомида юзага келадиган: 1. Сотидан тушган тушум; 2. Хизматлар учун рағбатлантиришлар; 3. Фоизлар; 4. Дивидендлар; 5. Роялти; 6. Ижара даромадларидан иборат” эканлиги қайд қилинган. Бундан кўриниб турибдики, халқаро стандартларда молиявий фаолиятдан олинган даромадлар унинг одатдаги фаолиятида ҳам ҳамда одатдаги бўлмаган фаолиятида ҳам мавжуд экан. Даромадларни шу таснифлаш принципларига ўтишимиз керак бўлади. Агар биз молиявий ҳисоботларимизда молиявий фаолиятдан олинган даромад деб фоизлар, роялти, дивидендларни қайд қиладиган бўлсак, у ҳолда уларни одатдаги фаолият натижаларидан узоқлаштириб қўйган бўламиз ва бу методологик чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, молиявий активлар билан боғлиқ фойда ва зарарларни мамлакатимиз амалиётида “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар” деб битта сатрда номланган бўлса, халқаро тажрибада фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги

ҳисоботда акс эттириш тартиби келтирилган. Бугунги кунда ҳисоботларимиз халқаро стандартларга ўтар экан бизда ҳам молиявий активларни қайта баҳолаш, реклассификация қилишдан олинган даромадларни фойда ва зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг қисмлари кесимида акс эттириш тартибига ўтишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, мамлакатимиздаги 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” ва 21-сон “Бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” стандартида бир-бирига номувофиқлик мавжуд. 2-сон БҲМСда фоизлар, дивидендлар ва роялти бўйича даромадлар корхонанинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадларига киритилган бўлса, 21-сон БҲМСда эса ушбу даромадлар “молиявий фаолиятдан олинган даромадлар”ни ҳисобга олувчи счетларда акс эттириш кўзда тутилган. Ушбу таснифлашга мувофиқ равишда счетлар режасига маълум ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, Россия амалиётида ҳам фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлар бошқа даромадлар таркибига киритилган. Аслида, халқаро стандартда фоизлар ва дивидендларни одатдаги фаолиятдан олинган даромадлари таркибига киритиш тавсия этилган.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Прибыль от финансовой деятельности.
<https://1fin.ru/?id=281&t=711>
3. Национальный Стандарт Бухгалтерского учета Республики Узбекистан (НСБУ № 2) «Доходы от основной хозяйственной деятельности»
<https://lex.uz/acts/710346>
4. Бухгалтерский учет финансовых результатов – доходы от финансовой деятельности. http://buhuz.ru/?fin=doh_fin

5. Старший преподаватель Кажикова Ж.Н., студент Шелиховская Ира. Костанайский государственный университет им. А. Байтурсынова. Доходы и расходы по финансовой деятельности <https://be5.biz/ekonomika1/r2014/2200.htm>

6. Т.Церевская. Учет доходов деятельности предприятия. //Налоги и бухгалтерский учет. Декабрь, 2019 /№99. <https://i.factor.ua/journals/nibu/2019/december/issue-99/article-105867.html>

7. Юлия Гатальская. Финансовая деятельность организации: как правильно отразить хозяйственные операции в бухгалтерском учете. <https://www.gb.by/izdaniya/glavnyi-bukhgalter/finansovaya-deyatelnost-organizatsii-kak>

8. <https://www.gb.by/izdaniya/glavnyi-bukhgalter/finansovaya-deyatelnost-organizatsii-kak>

1. Baratovna E. Z. Other comprehensive income, accounting structure and their improvement //Thematics Journal of Economics. – 2021. – Т. 7. – №. 2.

2. Baratovna E. Z. CONCEPT AND CONTENT OF OTHER COMPREHENSIVE INCOME, ACCOUNTING PRINCIPLES AND WAYS TO IMPROVE //Eurasian Journal of Academic Research. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 84-89.

3. Baratovna E. Z. The First Application of International Financial Reporting Standards //Kresna Social Science and Humanities Research. – 2022. – Т. 4. – С. 52-54.

4. Ветошкина Е. Ю., Эшпулатова З. Б. УЧЕТ ДОГОВОРОВ С ОБРАТНОЙ ПОКУПКОЙ //Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции. – 2022. – С. 13-19.

5. Эшпулатова Зайнаб Баратовна 15-СОН МҲХСНИНГ ТЎРТИНЧИ ҚАДАМ МОДЕЛИ АСОСИДА ТУШУМНИ ТАН ОЛИШНИНГ УСЛУБИЙ ТАРТИБИ // ЈМВМ. 2022. №8.

6. Baratovna E. Z. THE FIRST APPLICATION OF INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Journal of marketing, business and management. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 109-111.
7. Eshpulatova Zaynab (2021) “ACCOUNTING FOR RECOGNITION OF ENTERPRISES INCOME (ACCOUNTS) IN ACCOUNTING WITH INTERNATIONAL STANDARDS AND “FINANCIAL REPORTING CONCEPTUAL FUNDAMENTALS ”, Euro-Asia Conferences, 3(1), pp. 137–139.
8. ЭШПЎЛАТОВА З. Б. RECOGNITION OF INCOME: ALLOCATE THE TRANSACTION PRICE TO THE PERFORMANCE OBLIGATIONS IN THE CONTRACT //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021. – №. 3. – С. 16-22.
9. Эшпўлатова Зайнаб Баратовна ДАРОМАДНИ ТАН ОЛИШ: ОПЕРАЦИЯ НАРХИНИ БАЖАРИЛИШЛАРГА ОИД МАЖБУРИЯТЛАРГА ТАҚСИМЛАШ // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №3 (139).
10. Eshpulatova, Z., 2021. ACCOUNTING OF REVENUE FROM CONTRACTS WITH CUSTOMERS ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS. International Finance and Accounting, 2021(2), p.25.
11. Eshpulatova Z. THE DIGITAL ECONOMY RELIES ON THE INTERNATIONAL STANDARDS OF THE FINANCIAL REPORT ON THE INCOME STATEMENT //DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR. – 2021. – С. 120.
12. Eshpulatova, Z., 2020. DETERMINATION OF INCOME AND PROFIT AS AN ELEMENT OF FINANCIAL STATEMENTS. International Finance and Accounting, 2020(1), p.20.